

**METHODOLOGICAL ASPECTS OF ASSESSING LOCALIZATION  
IN RAIL TRANSPORT**  
**Khamraev Jamshid Panjievich**

**Independent researcher of Tashkent State University of Economics**

**ANNOTATION**

The importance of transport infrastructures in the development of World Communications is growing. According to the World Bank, the GDP content of World transport services is 4.3 trillion. US \$ (6.9%) to \$ 110 billion annually. tons of cargo and 1 trln. more than 100 million passengers are transported, the number of employees employed in the transport infrastructure. the population is . Comprehensive and targeted software measures are being implemented on the qualitatively intensive development of the transport and logistics sectors as an important branch of the country's economy and an important factor in the integration of the national economy with the world economy.

Бу борада, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Миллий транспорт логистика компаниялари ўртасида рақобат даражасини ошириш»<sup>1</sup> ҳамда «Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш миңтақавий марказини очиш таклифи берилди»<sup>2</sup>. Мазкур таклиф ва вазифаларнинг самарали ижроси мамлакатимизда транспорт тизимини ривожлантириш самарадорлигини оширишни тақозо этади.

**Таҳлил ва натижалар**

Темир йўл тармоғида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, иқтисодий тизимни қайта тузиш жараёни ҳамда ижтимоий-иктисодий вазиятда рўй берган ўзгаришлар бошқарув устуворликлари ва усулларини тубдан ўзгартириб юборди. Шунинг учун транспорт-логистика ҳолатининг тизимли таҳлилини ўтказиш, ривожлантириш йўналишларини аниқлаш ва уларнинг жамият манфаатлари доирасидаги ривожлантириш воситаларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Транспорт-логистика тизими самарадорлигига таъсир этувчи омилларни эътиборга олган ҳолда тизимли тадқиқ этиш лозим деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент метрополитени фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 16 октябрдаги ПҚ-5260-сонли қарорига мувофиқ Тошкент метрополитенида йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, йўловчилар ташишни бошқаришда замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, метрополитен инфратузилмасини сақлаш ва ундан фойдаланиш

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. // www.lex.uz.

<sup>2</sup> Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясидаги нутки.

ишиларини самарали ташкил этиш ҳамда Тошкент метрополитени фаолиятини такомиллаштириш мақсадида:

1. Метрополитен фаолияти самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари:

илгор хорижий тажриба асосида замонавий бошқарув механизмларини жорий этиш;

инфратузилмани модернизация қилиш ҳамда ҳаракат таркибини босқичма-босқич янгилаш;

замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда жараёнларни рақамли бошқариш тизимини жорий этиш;

метрополитенда хавфсизлик тизимини такомиллаштириш орқали йўловчилар ва ҳаракат хавфсизлиги даражасини ошириш;

метрополитен оммабоплигини ошириш мақсадида ер усти йўловчилар ташиш транспорти йўналишлари тармоғини метрополитен тармоғи билан интеграция қилиш;

хавфсизлик, шаҳарсозлик фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солувчи норматив хужжатлар талаблари доирасида метрополитен ҳудудида хизмат кўрсатиш, савдо ва реклама фаолияти тизимини жорий этиш;

замонавий билимга эга профессионал кадрлар тайёрлаш тизимини жорий этиш орқали соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш.

2. Метрополитен фаолияти самарадорлигини оширишнинг асосий чора-тадбирлари:

2021-2023 йилларда Тошкент метрополитенида йўловчи ташиш ва поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга қаратилган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ;

Тошкент метрополитени фаолияти самарадорлигини ошириш ва ривожлантириш бўйича «йўл харитаси» 2-иловага мувофиқ;

2023-2025 йилларда Тошкент метрополитени фаолиятини янада такомиллаштириш дастури 3-иловага мувофиқ ишлаб чиқилган.

3. Метрополитен фаолияти самарадорлигини ошириш учун берилган имтиёзлар:

«Тошкент метрополитени» ДУКга 2024 йил 1 январга қадар метро вагонлари, метрополитен эксплуатация эҳтиёжлари учун зарур бўладиган асбоб-ускуналар, эҳтиёт ва бутловчи қисмларни етказиб бериш ҳақидаги импорт шартномаларини «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУКда комплекс экспертизадан ўтказган ҳамда контракт тузилганлиги тўғрисидаги ахборотни махсус ахборот порталига жойлаштирган ҳолда, ишлаб чиқарувчиларнинг энг яхши таклифларини танлаб олиш йўли билан тўғридан-тўғри тузишга рухсат берилсин.

«Тошкент метрополитени» ДУК 2024 йил 1 январга қадар республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат

бўйича импорт товарларни олиб киришда божхона тўловларидан (кўшилган қиймат солиғи ва божхона йигимларидан ташқари) озод этилсин.

4. Метрополитен фаолияти самарадорлигини оширишда йўловчиларга қулайлик яратиш учун:

2022 йил 1 июлга қадар 7 та метро бекатида (Беруний, Чорсу, Пахтакор, Олмазор, Туркистон, Кўйлиқ бозори, Чилонзор) транспорт ўтиш боғламаларини;

2022 йил 1 октябрга қадар Тошкент шаҳрига кириб келувчи йўловчи транспорт воситалари учун 6 та метро бекати (Туркистон, Юнусобод, Чилонзор ва ер усти ҳалқа линиясининг 3, 4 ва 5-бекати) атрофида автотурагоҳлар ташкил этилишини таъминласин.

метрополитен йўналишларида дифференциал тўлов тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режасини

«Тошкент метрополитени» ДУК фаолиятини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш стратегиясини ишлаб чиқиши учун илгор хорижий тажрибага

метрополитен йўналишлари (уларнинг қурилиши бўйича маълумотлар), бекатлар (улар атрофида жойлашган обьектлар ва жамоат транспорти йўналишлари), поездлар харакати жадвали, электрон тўлов ҳамда бошқа маълумот ва хизматларни ўз ичига олувчи мобил иловани ишга туширсин.

Тошкент метрополитени фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни;

метрополитендан фойдаланишда йўловчилар ва метрополитен ходимларининг хуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи Тошкент метрополитенидан фойдаланиш қоидаларини ишлаб чиқиб

ер усти ҳалқа метро бекати йўналишида йўловчилар учун бепул WI-FI тизими билан боғлаш ва ер ости метро бекатларида мобил алоқа операторлари хизматларидан фойдаланиш имкониятларини яратсин.

Метрополитен фаолияти самарадорлигини оширишнинг асосий чора-тадбирлари давлат ва маҳаллий бюджет, шунингдек давлат кафолати асосида ҳалқаро молия ташкилотлари маблағлари хисобидан амалга оширилмоқда. 2021-2022 йилларда Тошкент метрополитенида йўловчи ташиш ва поездлар харакати хавфсизлигини таъминлашга қаратилган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар режаси учун 2021 йилда 60 млрд.сўм ва 2022 йилда 59 млрд.сўм маблағ ажратилган. Тошкент метрополитени фаолияти самарадорлигини ошириш ва ривожлантириш бўйича «йўл харитаси» мувофиқ метро вагонларини модернизация қилиш учун 2021 йилда 40 та метро вагонлари учун 124,7 млрд.сўм ва 2022 йилда 24 та метро вагонларига 127,4 млрд.сўм маблағ ажратилган.

2023-2025 йилларда Тошкент метрополитени фаолиятини янада такомиллаштириш дастури мувофиқ метрополитенга 14 та янги ҳаракат таркибларини ҳарид қилиш учун 2023 йилда 72 млн.евро маблағ ажратилди.

Тошкент метрополитени молиялаштириш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари қўйидагилар:

1. Чекланган тарифлар бўйича хизматлар кўрсатилиши муносабати билан кўрадиган заарларни маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартибини такомиллаштириш;

2. Метрополитенда молиялаштириш самарадорлигини ошириш мақсадида турли хизматларни жорий қилиш эвазига бошқа дароматларни ортириш;

3. Тошкент метрополитенида диференциал тўлов тизимини жориш қилиш орқали молиялаштириш самарадорлигини ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий фойдаланиладиган транспортда йўловчи ташувчилар фаолиятини ҳамда уларни молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2012 йил 17 сентябрдаги ВМҚ-273-сонли қарори мувофиқ:

- Ўзбекистон Республикасида йўловчилар айланмасини ва умумий фойдаланиладиган автомобиль ва электр транспортида шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўналишларда ҳамда соатлар бўйича ташилган йўловчилар сонини аниқлаш тартиби тўғрисида;

- Ўзбекистон Республикасида чекланган тарифлар бўйича аҳолига хизматлар кўрсатиш муносабати билан шаҳарда йўловчиларни мунтазам ташиш билан банд бўлган ташувчилар кўрадиган заарларни молиялаштириш ва қоплаш тартиби тўғрисида НИЗОМлар тасдиқланган.

“Ўзбекистон Республикасида йўловчилар айланмасини ва умумий фойдаланиладиган автомобиль ва электр транспортида шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўналишларда ҳамда соатлар бўйича ташилган йўловчилар сонини аниқлаш тартиби тўғрисида” Низомга асосан:

- Ташилган йўловчилар сони умумий фойдаланиладиган транспортда (автобус, йўналишли ва йўналишсиз такси, троллейбус ва метрополитенда) бажариладиган шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро ташувларнинг ҳар бир тури ҳамда соатлар бўйича ташувлар учун алоҳида алоҳида аниқланади.

Шаҳар йўналишида ташилган йўловчилар сони:

чекланган тарифларни қўллаган ҳолда автобуслар, йўналишли таксилар ва троллейбусларда ташилганда - сотилган бир марталик чипталар сони бўйича ёки тушумни чекланган тарифга тақсимлаш йўли билан аниқланади

Метрополитенда ташилганда QR билет сотишдан олинган тушумни чекланган тарифга тақсимлаш йўли билан аниқланади.

- Йўловчилар айланмаси умумий фойдаланиладиган транспортда (автобус, йўналишли ва йўналишсиз такси, троллейбус ва метрополитенда) бажариладиган шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро, халқаро йўналишларда ташувларнинг ҳар қайси тури ҳамда соатлар бўйича ташувлар учун алоҳида алоҳида аниқланади.

- Йўловчилар айланмаси шаҳар йўналишларида автобуслар, йўналишли таксилар, троллейбуслар ва метрополитенда ташишда ташилган йўловчилар сонини йўловчилар оқимини танлаб таҳлил қилиш асосида ҳисоблаб чиқиладиган ушбу йўналиш бўйича йўловчи босиб ўтадиган ўртacha масофага кўпайтириш йўли билан аниqlanadi.

### **Хулоса ва таклифлар**

Тошкент метрополитенини маҳаллийлаштиришни молиялаштириш стратегиясини ривожлантиришнинг асосий устувор қуйидаги вазифаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим:

1. Хизмат муддатини ўтаган 56 та шундан 2023 йил 24 таси метро вагонларини модирнизация қилиш орқали хизмат муддатини 15 йилга узайтириш;
2. 2023-2024 йилларда метрополитен фаолиятини такомиллаштириш мақсадида 160 та ҳаракат таркибларини ҳарид қилиш;
3. Метрополитенда тиғиз вақтларида йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида беш вагонли ҳаракат таркибларни ташкил қилиш учун 12 та оралиқ вагонларни ишлаб чиқариш;
4. Тошкент шаҳар аҳолиси ва меҳмонларни метрополитенда кенгроқ қамраб олиш мақсадида 2023 йилда 8,5 км иборат 7 та бекат ташкил этиш;
5. “Буюк ипак йўли бекатидан ТТЗ массивигача бўлган ер ости метро йўналишини қуриш” лойиҳаси бўйича қиймати 950,0 млн.сўмлик техник иқтисодий асосини ишлаб чиқиш;
6. “Тошкент метрополитени” ДУК “Вагонларни таъмирлаш ва эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш” депосида хизмат муддати ўтаб бўлган метро вагонларининг бутловчи ва эҳтиёт қисмларни маҳаллийлаштириш;

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. The World Bank: World Development Indicators. <http://data.worldbank.org/indicator>
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси - <http://strategy.regulation.gov.uz/uz/document/>.
3. Fayzullayev J.S. Evaluation of efficiency of transport - logistics system. // XLVII International correspondence scientific and practical conference «International scientific review of the problems and prospects of modern science and education» (Boston. Usa. July 24-25, 2018). 62-65.
4. Fayzullayev J.S. Effective management methodology of integrated transport-logistics system // International Journal of Advance and Innovative Research. 2019. Volume 9, Issue 1 (I). Impact Factor (5) GIF – 0.676.

5. Fayzullayev J.S. Improvement of Economic Efficiency of Development of Railway. // Asian Journal of Technology & Management Research (AJTMR) ISSN: 2249 –0892 Vol9 Issue–2, Dec -2019.